

607 - сон билан
рўйхатга олинди

“Асака” банк
Бошқарувининг

2015 йил “01” апрел даги
“91” сонли Баённомаси билан
“Тасдиқланган”

“АСАКА” БАНКНИНГ ҒАЗНАЧИЛИК ДЕПАРТАМЕНТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низом “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банки Ғазначилик Департаментининг (кейинчалик матн бўйича – “Департамент”) мақсади, функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини ҳамда банкнинг бошқа таркибий бўлинмалари ва филиаллари билан ўзаро алоқаларини белгилаб беради.

Департамент ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг меъёрий ҳужжатларига, “Асака” банк (кейинчалик матн бўйича – “Банк”)нинг бошқа ички норматив ҳужжатларига ҳамда ушбу Низом талабларига риоя қилади.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Департамент Банкнинг мустақил таркибий бўлинмаси ҳисобланади ва бевосита банк Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

2. Департаментга Департамент бошлиғи раҳбарлик қилади. Ушбу лавозимига иқтисодий йўналишда олий маълумотга ҳамда банк соҳасида камида 5 йил умумий иш стажига эга бўлган шахс тайинланиши мумкин. Департамент Бошлиғини ишга қабул қилиш ва у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш Банк Бошқаруви Раиси буйруғига мувофиқ амалга оширилади. Департамент бошлиғининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ушбу Низом орқали белгиланади.

3. Департаментга келиб тушган ҳужжатларни кўриб чиқиш, бажарилишини, яъни ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 12-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари ҳамда Банкнинг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига асосан олиб борилади.

II. МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

4. Департаментнинг асосий мақсади Банкнинг белгиланган стратегик ва бизнес режалари, сиёсатлари ва низомларидан келиб чиққан ҳолда чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, қуйидагиларни амалга ошириш:

- банк омонатчилари ва кредиторлари, акциядорлари манфаатларини ҳимоя қилиш;
- банк балансининг ликвидлигини таъминлаш;

SS

- банк капиталининг етарлилигини таъминлаш;
- банкнинг ғазначилик амалиётлари билан боғлиқ таваккалчиликларини бошқариш;
- банк фаолиятининг етарли даражадаги барқарорлигини таъминлаш.

5. Юқоридаги мақсадларга эришиш учун Департамент қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- банк баланси ликвидлилигини ва капитал етарлилигини ўрнатилган меъёрлар даражасида бўлишини таъминлаш;
- банк ва мижозларнинг миллий ва чет эл валютадаги тўловларини ўз вақтида ўтишини таъминлашда, банкнинг ликвидлилик ҳолатини назорат қилиш;
- банкнинг актив ва пассивларни бошқариш Қўмитасига ресурсларни жалб қилиш ва жойлаштириш бўйича фоиз сиёсати, ликвидлиликни бошқариш сиёсати, ҳамда валюта операциялари, қимматли қоғозлар билан операциялар ва департамент тасарруфига кирувчи бошқа операциялар бўйича таклифлар киритиш ва ишлаб чиқиш;
- банкнинг Бош банк ва филиаллари ўртасида ресурсларни тақсимлаш, ҳамда ички ва ташқи бозорда банклараро операцияларни амалга ошириш.

III. ДЕПАРТАМЕНТ ТАРКИБИ

6. Департаментнинг таркибий бўлинмалари фаолияти мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади.

7. Департамент таркибий бўлинмалари фаолиятини Департамент бошлиғи назорат қилади.

8. Департамент ёки Департамент таркибини қайта ташкил қилиш ва тугатиш Банк Бошқаруви Раисининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

9. Департамент таркиби ва штат жадвали Департамент бошлиғи томонидан киритилади ва Банк Бошқаруви Раиси томонидан тасдиқланади.

10. Департамент қуйидаги бошқарма ва бўлинмалардан ташкил топган:

- Актив ва пассивларни бошқариш ва Дилинг амалиётлари Бошқармаси;
- Қимматли қоғозлар бошқармаси:
 - Акциялар ва қарз қимматли қоғозлар билан ишлаш бўлими;
 - Банкнинг шўъба корхоналари билан ишлаш бўлими.

11. Департамент бошлиғи иш жойида бўлмаган тақдирда унинг лавозим мажбуриятларини Департамент бошлиғи ўринбосари бажаради.

IV. ФУНКЦИЯСИ

12. Департаментнинг функциялари бошқарма ва бўлинмалар таркибида қуйидагича тақсимланади:

Актив ва пассивларни бошқариш ва Дилинг амалиётлари бошқармаси:

- Банк ликвидлилик даражасини бошқариш, тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида филиалларга қисқа муддатли ресурслар ажратиш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига, мажбурий захира фонди бўйича ўтказиладиган маблағлар ҳисобини юритиш ва тартибга солиш;